ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛМУРАТОВ ОМОНБОЙ УТАМУРАТОВИЧ

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ КЎРСАТКИЧ ВА МЕЗОНЛАРИ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

УДК: 004.056.5(07)

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛМУРАТОВ ОМОНБОЙ УТАМУРАТОВИЧ

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ КЎРСАТКИЧ ВА МЕЗОНЛАРИ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/T55 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ганиев Салим Каримович** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Каримов Маджит Маликович** техника фанлари доктори, профессор
	Курязов Давлатёр Матякубович физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Р.Ж.Алоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот технологияларини оммавий тарзда ишлаб чиқиш ва эксплуатация этиш жадаллик билан ривожланиши унга бўладиган хавфлар сонининг ортишига олиб келмоқда, жумладан «McAfee компаниясининг статистик маълумотига кўра, 2017 йилда дунё бўйича кибержиноятчиликдан келтирилган зарар миқдори 2014 йилгига қараганда 35 % га ошган»[1]. Шу жиҳатдан ахборот тизимлари хавфсизлигини баҳолаш ва унинг самарадорлигини ошириш воситаларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Россия Федерацияси, Канада, Франция ва бошқа давлатларда ахборот технологияларини талаб даражасида ишлаб чиқиш ва ахборот хавфсизлигини баҳолаш имкониятини берувчи мезонларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонларини шакллантириш ҳамда улар асосида ахборот тизими хавфсизлигини баҳолаш усулларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ахборот хавфсизлигини баҳолашда, ахборот тизими компонентлари, алмашиниладиган маълумотлар хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, хавфсизлик профилини танлаш, ахборот тизими компонентлари ва хавфсизлик мезонларининг устуворлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот хавфсизлигини назоратлаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу билан бирга, ахборот хавфсизлигини баҳолаш асосида ташкилот ахборот хавфсизлигини бошқариш жараёнларини такомиллаштиришни илмий асослаш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда давлат ва хўжалик бошқарув органларида ахборот технологияларини ривожлантириш билан бир қаторда ахборот технологияларини таҳдидлардан ҳимоялашга ва уларни баҳолаш усул ва воситаларини татбиқ этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»[2] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан ташкилотларнинг ахборот хавфсизлигини баҳолашда кўрсаткич ва мезонлар тизимини такомиллаштириш моделлари, усуллари ва алгоритмларини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

[1] http://www.tadviser.ru/index.php/Статья:Потери_организаций_от_киберпреступности

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонларини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб давлатларнинг турли ташкилотлари олимлари тадқиқот олиб борганлар, жумладан А.А. Варфоломеев, В.В. Домарев, М.Л. Калужский, Ажмухамедов, О.Г. Берестнева, Ю.Я. Самохвалов, Б.М. Герасимов, А.Н. Павлов, В.Ф. Шаньгин, Д.П. Зегжда ва бошқа олимлар ишларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда Т.Ф. Бекмуратов, М.М. Арипов, С.К. Ганиев, М.М. Каримов, Р.Х. Хамдамов, Д.Т. Мухаммадиева бошчилигидаги илмий жамоалар томонидан экспертлар хулосалари асосида билимлар базасини шакллантириш, ахборот хавфсизлигини кўрсаткич ва мезонларини шакллантириш, ҳамда ахборот тизими ҳимояланганлигини баҳолаш усуллари ўрганиб чиқилган.

Ҳозирги кунда ахборот хавфсизлигини баҳолашнинг кўрсаткич ва мезонларини марказлашган ҳолда экспертлар хулосалари ва ташкилот ахборот хавфсизлиги мезонларининг устуворлиги ҳамда ахборот тизими компонентларининг хусусиятлари асосида баҳолаш усулларини шакллантириш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ва ТАТУ Урганч филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф4-019 «Ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонлар тизимларини шакллантириш муаммоларининг тадқиқи» (2012-2016) ва №Ф636-16 «Ахборот коммуникация тизимлари ахборот хавфсизлигини баҳоловчи дастурий таъминот ишлаб чиқиш» (2016) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонлари

тизимини шакллантириш ва ахборот тизими хавфсизлигини баҳолаш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот хавфсизлигини баҳолаш жараёнини хусусий ва қисм-тизим концептуал моделларини ишлаб чиқиш;

ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонлари тизимининг функционал ва информацион моделларини яратиш;

ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонлари тизимини шакллантириш алгоритмини ишлаб чиқиш;

ахборот тизими компонентларининг хавфсизлик бўйича устуворликлари асосида ахборот тизимини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

ахборот хавфсизлигини баҳолаш тизимининг дастурий воситасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ахборот тизими хавфсизлигини баҳолаш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонларини шакллантириш ҳамда улар асосида ахборот хавфсизлигини баҳолаш усуллари ва алгоритмлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ахборот ҳимояланганлигини тахлил қилиш усуллари, норавшан мантиқ ва норавшан тўпламлар назарияси, графлар назарияси ва объектга йўналтирилган дастурлашдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ташкилот ва унинг ахборот тизими компонентларининг хусусиятлари асосида ахборот тизими хавфсизлигининг хусусий ва қисм-тизим концептуал моделлари ишлаб чиқилган;

IDEF0 ва IDEF1X методологияси орқали ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари тизимини шакллантиришнинг функционал ва информацион моделлари ишлаб чиқилган;

баллар бериш, рутбалаш ва норавшан мантиқ назариясининг «Мамдани» усуллари ва экспертлар хулосаси ёрдамида ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонларини шакллантириш усули ишлаб чиқилган;

ахборот тизими компонентларининг хавфсизлик бўйича устуворликлари асосида ахборот тизимини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

ахборот тизими хавфсизлигининг хусусий ва қисм-тизим концептуал моделлари ёрдамида ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари тизимини шакллантириш, ахборот хавфсизлигини баҳолаш алгоритмлари ҳамда дастурий воситалари архитектураси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эксперт хулосаси асосида ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонларини марказлашган ҳолда шакллантиришнинг дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

ташкилот ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини такомиллаштиришга ва ахборот хавфсизлигини ташкилот мутахассиси

томонидан баҳолашга имкон берувчи дастурий восита ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган масаланинг математик жиҳатдан коррект ифодаланиши, ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари билимлар базасининг экспертлар томонидан шакллантирилиши, шунингдек ахборот хавфсизлигини баҳолашдаги назарий ва амалий тадқиқотлари ҳамда ишлаб чиқилган алгоритмлардан олинган реал ва тажрибавий таҳлиллар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган ахборот тизимини баҳолашнинг функционал, информацион, қисм-тизим концептуал моделлари асосида ахборот хавфсизлиги мезонларини шакллантириш ва ахборот тизими ҳимояланганлигини баҳолаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ахборот хавфсизлиги экспертларининг танқислиги масаласининг ечилишига имкон берувчи ахборот хавфсизлигини баҳолаш бўйича хулосаларни марказлашган ҳолда экспертлар томонидан шакллантирилиши, ахборот тизими хавфсизлигини баҳолаш эса ташкилот мутахассиси томонидан амалга оширилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонларини шакллантириш, ахборот тизимини баҳолаш усул ва алгоритмлари бўйича олинган натижалар асосида:

ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонларини шакллантириш ва ахборот тизимларини баҳолаш усуллари «Ўзбекистон почтаси» АЖ Хоразм филиалигажорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 33-8/9317-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ахборот тизими ҳимояланганлигини баҳолаш, натижаларга ишлов бериш ва таҳлил этиш вақтини тежаган, ахборот тизими ҳимояланганлик даражасини баҳолаш ташкилотда ахборот хавфсизлигини такомиллаштириш бўйича келгуси ишларни режалаштириш ва воситаларнинг ҳимояланганлигини ошириш бўйича қарорларни қабул қилишда хизмат қилган;

ахборот тизими хавфсизлигининг хусусий ва қисм-тизим концептуал моделлари асосида ишлаб чиқилган дастурий восита «Ўзбектелеком» АК Хоразм филиалига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 33-8/9317-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ташкилот учун ахборот тизимини баҳолаш ва назорат қилиш, уни таҳлил этишга ҳамда назорат мезонларини шакллантириш имконини берган;

ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари тизимини шакллантиришнинг функционал ва информацион моделлари асосида ишлаб чиқилган дастурий восита дастурий маҳсулотларнинг ахборот хавфсизлигини

баҳолаш мақсадида «Mustafo software» МЧЖга жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 33-8/9317-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси хавфсизлик кўрсаткичларини шакллантиришда экспертлар билан мулоқот вақтини 12 марта камайтириш, ахборот хавфсизлигини баҳолашда кўрсаткичлар қийматларини ҳисоблашда экспертлар хулосасини олиш вақти ва хулосалар ҳажмини 20 мартадан кўпроқ камайтириш ҳамда ташкилот томонидан ишлаб чиқилаётган дастурий маҳсулотларнинг ахборот хавфсизлигини қисқа муддатда баҳолаш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, 1 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайдлаш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ахборот коммуникация технологияларида ахборот хавфсизлигини баҳолашга ёндашувлар»** деб номланган биринчи боби ахборот коммуникация технологияларида ахборот хавфсизлигини баҳолаш муаммолари, баҳолаш соҳасидаги мавжуд меъёрий ҳужжат ва стандартлар ҳамда ахборот хавфсизлигини баҳолашнинг замонавий усуллари тадқиқига бағишланган.

Ахборотни ҳимоялаш сифатини баҳолаш масалаларини ечиш усул ва ёндашувларининг таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига мўлжалланган ахборотни ҳимоялаш тизимлари мураккаб инсон-машина тизими ҳисобланади. Умуман, бундай тизимнинг ишлаш сифатини баҳолаш фақат эксперт хулосаси ва

натижаларнинг кейинги талқини билан боғлиқ турли хил эвристик усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Аҳборотни ҳимоялаш тизимларининг ишлаш сифатини баҳолаш масаласини ечиш учун ахборотни ҳимоялаш тизимини синтезлашни оптималлаштиришга, тизим ишлаши самарадорлигини миқдорий баҳолашга ва бундай тизимларни қуришнинг турли вариантларини таққослашга имкон берувчи сифат кўрсаткичларидан фойдаланиш лозим.

Бундай масаланинг ўзига хослиги классик усуллар ёрдамида оптимал ечимни олишга имкон бермайди. Бундай шароитларда эксперт баҳоларини олиш зарурати билан боғлиқ норавшан тўпламлар назарияси ва эвристик ёндашувлар қўлланилади. Ушбу шароитларда нисбатан кичик вақт ва ҳисоблаш харажатларида баҳолашнинг юқори ишончлигини таъминлайдиган рутбали усулларнинг қўлланилиши эътиборга молик.

Ахборот хавфсизлигини баҳолаш борасида соҳанинг етакчи давлатлари томонидан бир қанча стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Олиб борилган тадқиқотларда стандартларни универсаллик, мослашувчанлик, кафолатланганлик, амалга оширилувчанлик, долзарблик кўрсаткичлари бўйича таққослаш натижалари Умумий мезонлар (O‘z DSt ISO/IEC 15408 стандарти) нинг қолган стандартларга қараганда афзалликларга эга эканлиги аниқланди. Шу сабабли диссертация ишидаги кейинги барча тадқиқотлар ушбу стандартга асосланади.

Бугунги кунда ахборот хавфсизлигини баҳолаш борасида амалга оширилаётган ишларни иккита гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ хавф-хатар даражасини ахборот хавфсизлиги талабларига мослигини баҳолаш йўли билан ўрнатишга имкон беради. Иккинчи гуруҳ ҳужумларни амалга ошириш эхтимоллигини аниқлашга ва уларнинг зарар даражасига асосланади.

Ахборот хавфсизлигини баҳолаш усулларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг энг муҳум муаммоси минимал автоматлаштирил-ганлигидир. Деярли барча усуллар ҳар бир қадамда маълумотларнинг белгиланган шаклда ва тартибда бўлишини талаб қилади, аммо улар берилган маълумотлардан бундай ахборотни шакллантириш механизмларига эга эмас. Бу усулларнинг яна битта камчилиги баҳоланаётган объектнинг ахборот хавфсизлиги хусусиятлари устуворлигини эътиборга олинмаслигидир.

Диссертациянинг **«Ахборот коммуникация технологиялари ҳимоя-ланганлигини баҳолашнинг хусусий концептуал модели»** деб номланган иккинчи боби ахборот тизимини баҳолаш жараёнида қўллашга мўлжалланган баҳолаш мезонлари ва улар орасидаги боғлиқликларни ўз ичига олувчи ахборот хавфсизлигини баҳолашнинг хусусий ва қисм-тизим концептуал моделларини қуришга бағишланган.

Ахборот тизимларида ҳимояланганликни назоратлаш, таҳлиллаш ва баҳолашни амалга ошириш учун ҳимояланганликни аниқловчи барча талаблар хавфсизликнинг хусусий модели кўринишида шакллантирилади.

Ахборот тизими хавфсизлиги ва унинг сатҳлари хавфсизлиги орасидаги муносабатларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$H = H_{\text{СОТ}} \cup H_{\text{МББТ}} \cup H_{\text{ТС}} \cup H_{\text{МОТ}} \cup H_{\text{МИ}} \cup H_{\text{ХТ}}$$

Бу ерда Н–ахборот тизими хавфсизлиги, $H_{\text{СОТ}}$–сервер операцион тизими сатҳи хавфсизлиги, $H_{\text{МББТ}}$–маълумотлар базасини бошқариш тизими сатҳи хавфсизлиги $H_{\text{ТС}}$–тармоқ сервислари сатҳи хавфсизлиги, $H_{\text{МОТ}}$–мижоз операцион тизими сатҳи хавфсизлиги, $H_{\text{МИ}}$–махсус иловалар сатҳи хавфсизлиги, $H_{\text{ХТ}}$–ҳужжатлар таъминоти сатҳи хавфсизлиги.

Сатҳларга ажратиш жавобгарлик зоналари бўйича хавфсизликни назоратлаш имкониятини ҳам яратади. Ахборот тизими хавфсизлигининг хусусий концептуал модели 1-расмда келтирилган.



1-расм. Ахборот тизими хавфсизлигининг хусусий концептуал модели

Ахборот тизими компонентларининг хавфсизлик моделларига ҳимоя профилларидаги хавфсизликнинг барча функционал талаблари киритилган бўлиши лозим. Чунки бу талаблар хавфсизлик таҳдидлари ва мақсадлари билан мослаштирилган. Бундан ташқари, ҳар бир функционал талабнинг (кўрсаткич) ўзаро боғлиқлигини кузатиш зарур. Кўрсаткичлар боғлиқликлари хусусий хавфсизлик моделларига киритилган бўлиши ва ахборот тизими структурасининг бирор сатҳида қаноатлантирилиши лозим. Яъни боғлиқлик сервер операцион тизим, маълумотлар базасини бошқариш тизими, тармоқ сервислари, мижоз операцион тизими, махсус иловалар ва ҳужжатлар таъминоти мос сатҳида қаноатлантирилиши лозим.

Ахборот тизими таркибий компоненти хавфсизлигини баҳолашнинг қисм-тизим моделини қуриш Умумий мезонлар атамаларидан фойдаланган ҳолда ва аниқ бир ташкилот ахборот хавфсизлиги сиёсатини, ресурсларга бўлган хавфсизлик таҳдидларини ва тахминларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш таклиф этилади.

Сервер операцион тизими хавфсизлигини баҳолашнинг қисм-тизим концептуал моделини шакллантириш файл тизими, чоп этиш хизмати, тармоқ хизматлари, маълумотларни архивлаш хизмати ва бошқа иловаларга

(масалан, почта, маълумотлар базаси) эга умуммўлжалланган кўп фойдаланувчили операцион тизим учун танланган ҳимоя профилидан (таянч ҳимоя профилидан) иборат.

Танланган ҳимоя профили тўлиқ ва асосланган талаблар тўпламига эга бўлиб, бу талабларнинг қаноатлантирилиши активлар учун ўртача хавф-хатар даражаси мавжуд муҳитда етарлича ҳимояланганлик даражасини таъминлайди. Ушбу хавф-хатар даражасига мос ҳолда эҳтимоллик ва алмаштириш (криптографик эмас) механизмлари асосида амалга ошириладиган ишончлилик талаби ва хавфсизлик функцияларининг ўртача барқарорлиги таъминланади.

Ҳимоя профили талабларига жавоб берувчи операцион тизим махфий маълумотлар ишланадиган муҳитни мададлайди. Бундай имкониятнинг мавжудлиги операцион тизимда идентификаторлар асосида амалга ошириладиган мурожаатларнинг дискрецион бошқарувини таъминлаш талаб этилади. Операцион тизимнинг хавфсизлик функциялари фойдаланувчига бирор амалга рухсат этишдан олдин тақдим этган идентификаторнинг ҳақиқийлиги тасдиқланиши лозим. 2-расмда сервер операцион тизими хавфсизлигини баҳолашнинг қисм-тизим концептуал моделининг схемаси келтирилган.



2-расм. Сервер операцион тизими хавфсизлигини баҳолашнинг қисм-тизим концептуал модели схемаси

Хавфсизликни баҳолашнинг яратилган қисм-тизим моделига сервер операцион тизим сатҳида маълумотлар ҳимоясига таъсир қилувчи 39 та кўрсаткич киради, улардан 14 таси мустақил кўрсаткичлар, 26 таси ҳисобга

олинган ички боғлиқликка эга ва 1 та кўрсаткич ҳужжатлар таъминоти сатҳи ишонч талаблари (етказиб бериш ва эксплуатациянинг тўғрилиги синфи) билан сатҳлараро боғлиқликка эга.

3-расмда сервер операцион тизими хавфсизлиги кўрсаткичларининг ўзаро ва сатҳлараро боғлиқлигининг граф-схемаси келтирилган.



3-расм. Сервер операцион тизими хавфсизлиги кўрсаткичларининг ўзаро ва сатҳлараро боғлиқлигининг граф-схемаси

Диссертация ишида маълумотлар базасини бошқариш тизими, тармоқ сервислари, мижоз операцион тизими, махсус иловалар ва ҳужжатлар таъминоти сатҳлари хавфсизлигини баҳолашнинг ҳам қисм-тизим концептуал моделлари ишлаб чиқилган.

Диссертация ишининг «**Ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари тизимини шакллантириш**» номли учинчи бобида қисм-тизим концептуал моделларига асосланган ахборот технологиялари компонентларининг хавфсизлигини баҳолашга имкон берувчи кўрсаткич ва мезонлар тизимини шакллантириш модели ва алгоритми келтирилган.

Ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонлари тизимини шакллантириш моделини яратишда IDEF0 методологиясидан фойдаланилди. Маълумки, IDEF0 методологияси тизимни иерархик диаграммалар кўринишида тавсифлайди. Аввал тизимни бир бутун кўриниши ва ташқи дунё билан алоқалари ёритиб берилади, сўнгра декомпозицияси амалга оширилади (4-расм). Тизим декомпозиция натижасида қуйи тизимларга ажратилади ва ҳар бир қуйи тизим алоҳида тавсифланади. Шу тариқа талаб даражасидаги деталларга эришилади.

Ҳар бир диаграмма блоклар ва ёйлардан ташкил топган бўлиб, блоклар лойиҳаланаётган тизим функцияларини тавсифлайди, ёйлар эса блокларнинг ўзаро таъсир ва алоқаларини ифодалайди.

Диаграммага биноан чапдан келган параметрлар кирувчи

маълумотларни, юқоридан келган параметрлар бошқарувчи маълумотларни, пастдан келган параметрлар механизмларни, блокнинг ўнг томонида чиқувчи параметрлар натижавий ахборотни ифодалайди.



4-расм. Ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонларини шакллантириш тизимининг декомпозицияси

Ахборот тизими хавфсизлигини баҳолаш дастурий воситаси маълумотлар базасининг структураси IDEF1X методологияси асосида ишлаб чиқилган ва у қуйидаги 17 та жадвалдан ташкил топган (5-расм).



5-расм. Ахборот тизими хавфсизлигини баҳолаш дастурий воситаси маълумотлар базасининг IDEF1X модели

Ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонлари тизимини шакллантириш экспертлар гуруҳи томонидан ахборот хавфсизлигининг асосий учта принципи махфийлик, фойдаланувчанлик ва яхлитликнинг устуворликлари асосида ахборот хавфсизлиги мезонларига баллар бериш ва берилган баллар асосида уларнинг салмоқлилик коэффицентларини аниқлаш ҳамда ахборот тизимининг хавфсизлигини баҳолаш бўйича экспертлар хулосасини олиш, норавшан мантиқ назарияси асосида қоидалар ишлаб чиқишдан иборат. Кўрсаткичларга берилган баҳолар асосида ахборот тизимининг ҳимояланганлик даражасини ҳисоблаш амалга оширилади.

Ахборот тизимининг ҳимояланганлигини баҳолашга қаратилган ҳодисаларнинг бажарилиш кетма-кетлигини белгиловчи алгоритмни қуйидагича ёзиш мумкин:

1. Экспертлар томонидан ахборот хавфсизлиги принциплари устуворлиги асосида ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонларига баллар бериш ҳамда улар асосида маълумотлар базасини шакллантириш.

2. Билимлар базасини шакллантириш. Баҳолашда лингвистик шкалани аниқлаш. Тегишлилик функциясини қуриш.

3. Норавшан маълумотларнинг қоидалар базасини яратиш. Мазкур қоидалар негизида зиддиятлар ва пайдо бўлган мураккаб вазифаларни ҳал қилиш. Олинган баҳоларни дефаззификациялаш.

4. Ахборот тизими компонентларининг устуворлигини аниқлаш ва салмоқлилик коэффицентини ҳисоблаш.

5. Ахборот тизимининг барча компонентларини ахборот хавфсизлиги мезонларининг энг қуйи сатҳи (элементлари) асосида лингвистик атамалар орқали баҳолаш.

6. Зарурат туғилганида, ахборот хавфсизлиги мезонларининг компонентлари баҳоларини билимлар базаси асосида тегишлилик функцияси орқали ҳисоблаш.

7. Кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликларни ҳисоблаш. Ўз навбатида хавфсизлик мезонларининг оила ва синфлари баҳосини ҳисоблаш.

8. Ахборот тизими компонентлари ва тизимнинг умумий баҳосини ҳисоблаш.

9. Баҳолаш натижаларини таҳлиллаш. Ҳисоботни расмийлаштириш.

Диссертациянинг «**Ахборот хавфсизлигини баҳолашнинг дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва тажриба-ҳисоблаш натижалар**» номли тўртинчи бобида диссертациянинг иккинчи ва учинчи бобларида ишлаб чиқилган моделлар асосида ахборот хавфсизлигини баҳолаш тизими дастурий воситаларининг архитектураси ҳамда хавфсизликни баҳолаш бўйича тажриба-ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Ташкилотда ахборот тизими хавфсизлигини баҳолаш экспертлар хулосаси бўйича шакллантирилган билимлар базасига асосланиб ташкилот ходими томонидан амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини баҳолаш тизими дастурий воситалари ишлаб чиқилган–Web илова, сервер илова ва Android илова (6-расм).



6-расм. Ахборот хавфсизлигини баҳолаш дастурий воситасининг структураси

Web иловадан маъмур ва ахборот хавфсизлиги экспертлари фойдаланади. Маъмур ахборот хавфсизлиги бўйича экспертлар учун профил яратиш, уларни ўчириш ҳамда экспертларнинг фикрлари асосида хавфсизлик мезонларининг салмоқлилик коэффицентларини ҳисоблаш ишларини амалга оширади. Экспертлар эса хавфсизлик принциплари комбинациялари бўйича хавфсизлик мезонларига баллар ва ахборот хавфсизлиги компонентлари баҳоларини ҳисоблаш учун хулосалар беради.

Сервер илова Web иловадан олинган маълумотларни базага ёзади ва хавфсизлик мезонларининг салмоқлилик коэффицентларини ҳисоблайди. Бундан ташқари, Android иловадан келган сўров асосида унинг билимлар базасини янгилайди.

Android илова серверидан билимлар базасини юклаб олинганидан сўнг мутахассис Android иловага баҳоланаётган ахборот тизими моделини, яъни унинг компонентларининг устуворлиги киритилади. Бундан ташқари, ахборот тизими компонентларининг ахборот хавфсизлиги талабларининг элементларига қай даражада жавоб бериши баҳоланади ва натижавий баҳо фойдаланувчига тақдим этилади.

Маълумки, ахборот тизимида қўлланилувчи ҳимоя механизмларининг сифати ташкилот хавфсизлик сиёсатини қамраб олувчи ва эксплуатация доирасида таҳдидларга қарши тура оладиган хавфсизликнинг функционал талабларининг бажарилиши даражаси билан белгиланади. Бунда, ҳимоя сифатига турли кўрсаткичларнинг таъсир даражаси ҳар хил бўлади. Шу боисдан талаб қилинаётган хавфсизлик функциясининг бажарилиш кўрсаткичининг муҳимлигини белгилаш учун ташкилотда қабул қилинган ахборот хавфсизлиги сиёсатини устуворлик билан юритиш усули таклиф қилинган (1-жадвал).

1-жадвал

Ахборот хавфсизлиги прицпларининг устуворлиги

Устуворлик	Ахборот хавфсизлигининг асосий принциплари					
1-ўрин	М	Я	Ф	Я	М	Ф
2-ўрин	Я	Ф	М	М	Ф	Я
3-ўрин	Ф	М	Я	Ф	Я	М

Жадвалдаги М-махфийлик, Я-яхлитлик, Ф-фойдаланувчанлик.

Ушбу усул экспертлар гуруҳи томонидан ҳар бир мезонни [0-100] оралиғида муҳимлиги бўйича баҳолашга асосланган. Бу эса бир нечта экспертларнинг мезонлар муҳимлиги бўйича берган балларини умумлаштириб сон кўринишида ёзишга имкон беради.

m та мезонларнинг муҳимлиги бўйича *k* та эксперт баҳолаган бўлсин. У ҳолда мезонларга қўйилган баҳони $H = \|h_{ij}\|$ матрица кўринишида ёзиш мумкин, бу ерда h_{ij}–*i*-экпертнинг *j*-мезонга қўйган бали.

Экспертлар фикрларининг мувофиқлигини белгиловчи мезон қанчалик юқори бўлса, уларнинг фкрлари шунчалик ишончли бўлади.

Эксперт фикрларининг мувофиқлигини ўртача балга $\overline{h_i}(i=1,...,m)$ нисбатан аниқлаш қулай, яъний: $\overline{h_i} = \frac{m}{k*100}\sum_{j=1}^{k} h_{ij}$. Бунга асосан 7 - расмда экспертларнинг ахборот хавфсизлиги мезонлари синфларига берган баллари тасвирланган.



7-расм. Экспертларнинг ахборот хавфсизлиги мезонлари синфларига берган баллари

Ўртача балл дисперсияси қуйидаги формула орқали ҳисобланади $D(\bar{h}) = \frac{1}{m}\sum_{i=1}^{m}(\overline{h_i} - \bar{\bar{h}})^2$, бу ерда $\bar{\bar{h}} = \frac{1}{m}\sum_{i}^{m}\overline{h_i}$. Максимал дисперсия қуйидагича ҳисобланади (бу экспертларнинг фикри мутлақо бир хил бўганидаги ҳолат) $D_{\text{макс}}(\bar{h}) = \frac{1}{m}\sum_{i=1}^{m}(i - \frac{m+1}{2})^2 = \frac{m^2-1}{12}$, экспертлар фикрларининг мувофиқлиги мезони қуйидаги формула орқали ҳисобланади: $W = \frac{D(\bar{h})}{D_{\text{макс}}(\bar{h})} = \frac{12}{m(m^2-1)}\sum_{i=1}^{m}(\bar{h} - \frac{m+1}{2})^2$. Кўриниб турибдики, 0≤W≤1. W = 0 да экспертлар фикрлари умуман бир-бирига мос келмайди ва W = 1 да уларнинг

фикрлари мутлақо бир хил. Шундай қилиб, W қиймати экспертлар фикрларнинг мувофиқлик даражасини белгилайди.

Юқорида келтирилган матрица элементларини $h_i = \sum_{j=1}^{k} h_{ij}$ вектор кўринишида ёзиш ва $r_{ij} = \frac{h_{ij}}{h_i}$ га асосан муҳимлилик коэффицентларини аниқлаш мумкин. Ушбу матрица $r_j = \sum_{i=1}^{m} r_{ij}$ вектор кўринишда ёзилади ва мезонларнинг салмоқлилик коэффициенти $\lambda_i = \frac{r_i}{\sum_{j=1}^{k} r_j}$ ҳисобланади, бу ерда λ-хавфсизлик синфларининг салмоқлилик коэффициенти ($\sum_{i=1}^{n} \lambda_i = 1$).

Маълумки, ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини баҳолашда ҳар доим ҳам экспертлар иштирок эта олмайди, шу сабабли ташкилот мутахассиси хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун ахборот хавфсизлигини баҳолашда қуйидаги лингвистик атамалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: «мос келмайди»; «қисман мос келади»; «асосан мос келади»; «мос келади».

Лингвистик ўзгарувчилар <X, T, U> учлиги орқали белгиланади. Бу ерда X–ўзгарувчи номи, T–терм (элемент) тўплами, ҳар битта терм U универсал тўпламда норавшан тўплам кўринишида намоён бўлади.

Қўйилган масалада X=«элемент баҳоси», T={«мос келмайди», «қисман мос келади», «асосан мос келади», «мос келади»}, Y={0;0,3;0,7;1},

Компонентлар сиғими бўйича экспертлардан олинган ахборот асосидаги қоидалар тўпламини қуйидагича шакллантириш мумкин:

1-қоида: Агар x_{11} ва x_{12} ва ... ва x_{1n} бўлса y_1;

...

l+1-қоида: Агар x_{l+11} ва x_{l+12} ва ... ва x_{l+1n} бўлса y_2;

...

m+1-қоида: Агар x_{m+11} ва x_{m+12} ва ... ва x_{m+1n} бўлса y_3;

...

j+1-қоида: Агар x_{j+11} ва x_{j+12} ва ... ва x_{j+1n} бўлса y_4;

Ташкилот ахборот хавфсизлиги сиёсати асосида ахборот тизимининг компонентларига хавфсизлик бўйича устуворликлар билан бирга компонентларнинг хусусиятларига асосан ахборот хавфсизлиги принципларининг устуворликлари ҳам белгиланади (2-жадвал).

2-жадвал

Баҳоланаётган ахборот тизими компонентларининг устуворликлари

Ахборот тизимининг компонентлари	СОТ	МББТ	ТС	МОТ	МИ	ХТ
Ахборот хавфсизлиги принципларининг устуворликлари	МФЯ	ФМЯ	ФМЯ	ФЯМ	ФМЯ	МЯФ
R_i-ахборот тизими компонентларининг устуворлиги	r_i	r_i	r_i	r_i	r_i	r_i

Ҳар бир *i*-компонентнинг $W_i = 1 - \frac{R_i - 1}{M}; i = \overline{1, M}$ салмоқлилик коэффициентлари аниқланади, *M*-компонентлар сони.

Салмоқлилик коэффициентларини нормаллаштириш $\lambda_k = \frac{W_k}{\sum_{i=1}^{M} W_i}$ орқали амалга оширилади, бу ерда λ_k-синфлар муҳимлигига мувофиқ нормаллаштирилган салмоқлилик коэффициентлари ($\sum_{i=1}^{m} \lambda_i = 1$).

Кейинги босқичда диссертациянинг иккинчи бобида ишлаб чиқилган қисм-тизим концептуал моделларига асосан ахборот тизими компонентларининг ахборот хавфсизлиги мезонларига қай даражада жавоб бериши ташкилот мутахассиси томонидан баҳоланади.

Айтайлик, сервер операцион тизими ахборот хавфсизлигининг мезонларининг FDP_ACF.1 «Хавфсизлик атрибутларига асосланган фойдаланишни бошқариш» компоненти талабларига жавоб бериши баҳолансин. FDP_ACF.1 компонент 4 та FDP_ACF.1.1, FDP_ACF.1.2, FDP_ACF.1.3 ва FDP_ACF.1.4 элементлардан иборат. Сервер операцион тизимнинг талабларга жавоб бериши ахборот хавфсизлиги мутахассиси томонидан қуйидагича баҳоланган бўлсин:

– FDP_ACF.1.1-қисман мос келади;
– FDP_ACF.1.2-қисман мос келади;
– FDP_ACF.1.3-асосан мос келади;
– FDP_ACF.1.4-асосан мос келади.

N та элементдан иборат компонентлар баҳосини ҳисоблаш учун экспертлар томонидан қурилган қоидалар тўплами $X = \|x_{ij}\|$ матрица кўринишида ифодаланади, бу ерда $i = \overline{1, n}$, $j = \overline{1, k}$, *n*–ахборот хавфсизлиги мезонларининг компонентидаги элементлар сони, *k*–қоидалар сони.

Агар элементлар баҳолари $A=\{a_1, a_2, \ldots, a_n\}$ бўлса, компонент баҳосини аниқлаш Гаусс тегишлилик функцияси $\mu_{ij} = e^{\frac{(a_j - x_{ij})^2}{2*\sigma}}$ ёрдамида амалга оширилади ва $M = \|\mu_{ij}\|$ матрица қурилади ҳамда ҳар бир сатр учун минимум ҳисобланади, яъни $min_i = min(\mu_{i1}, \mu_{i2}, \ldots, \mu_{in})$.

Ҳар бир терм ҳосил бўладиган қоидалар тўпламига алоҳида максимум аниқланади: $max_1 = max(min_1, min_2, \ldots, min_l)$; $max_2 = max(min_{l+1}, min_{l+2}, \ldots, min_r)$; $max_3 = max(min_{r+1}, min_{r+2}, \ldots, min_j)$; $max_4 = max(min_{j+1}, min_{j+2}, \ldots, min_k)$.

Компонентнинг баҳоси қуйидагича ҳисобланади:

$$X_{\text{компонент}} = \frac{y_1 * max_1 + y_2 * max_2 + y_3 * max_3 + y_4 * max_4}{max_1 + max_2 + max_3 + max_4}$$

Кейинги босқичда диссертациянинг иккинчи бобида ишлаб чиқилган қисм-тизим концептуал моделлар асосида ахборот хавфсизлиги компонентларининг боғлиқликлари ҳисобланади.

Агар ахборот хавфсизлиги компонентлари бевосита боғлиқликка эга бўлса (масалан, FAU_GEN.2 кўрсаткичи FAU_GEN.l ва FIA_UID.1 кўрсаткичларига бевосита боғлиқликка эга), уларнинг қиймати қуйидаги формула орқали ҳисобланади. $x_{1,3} = \lambda_3 \cdot x_{1,3} \cdot \left| \frac{\lambda_2 \cdot x_{1,2} + \lambda_{19} \cdot x_{1,19}}{\lambda_2 - \lambda_{19}} \right|$, бу ерда λ_2, λ_3,

λ_{19} - мос компонентларнинг салмоқлилик коэффициенти, $x_{1,2}$, $x_{1,3}$, $x_{1,19}$- компонентларнинг қийматлари.

Агарда компонентлар танланма боғлиқликга эга бўлса (масалан, FDP_ETC.2 компоненти FDP_ACC.l ёки FDP_IFC.1 компонентлари билан танланма боғлиқликка эга) уларнинг қиймати қуйидаги формула орқали ҳисобланади $x_{3,12} = \lambda_{12} \cdot x_{3,12} \cdot \max[\lambda_{10} \cdot x_{3,10}; \lambda_{13} \cdot x_{3,13}]$.

Кейинги босқичда ахборот хавфсизлиги оилаларини баҳолаш, аддитив кўрсаткич усулидан фойдаланган ҳолда, амалга оширилиши мумкин. $X_j = \sum_{k=1}^{n} \lambda_k X_{kj}$; $\overline{X_j} \leq 1$, бу ерда X_j-j-оила баҳоси.

ХУЛОСА

«Ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонлари тизимини шакллантириш усуллари ва алгоритмлари» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ахборот тизими компонентлари конфигурациясини акслантирувчи хусусий ва қисм-тизим концептуал моделлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган моделлар ташкилот ахборот хавфсизлиги сиёсатида белгиланган ёндашувларни шакллантириш имконини берди.

2. IDEF0 методология асосида ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари тизимини шакллантиришнинг функционал модели ҳамда IDEF1X методология асосида ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари тизими маълумотлар базасининг информацион модели ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган моделлар дастурий воситаларни лойиҳалашга ва уларга тегишли бўлган барча маълумотларни сақлаш ва ундан фойдаланишга имкон берди.

3. Экспертлар хулосаси асосида ахборот хавфсизлигини баҳолаш мезон ва кўрсатқичларини шакллантириш ҳамда ахборот тизими хавфсизлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усуллар ташкилот мутахассисига ахборот тизими хавфсизлигини баҳолаш имконини беради.

4. Қисм-тизим концептуал моделлари асосида ахборот тизимини баҳолаш усули ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усул ахборот тизими хавфсизлигининг ҳолатини аниқлашда ва ахборотни ҳимоялаш чораларини такомиллаштиришда асосли қарор қабул қилиш имконини берди.

5. Яратилган моделлар ва усуллар асосида ахборот хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари тизимини шакллантириш ва ахборот хавфсизлигини баҳолаш дастурий воситаларининг архитектураси таклиф этилди. Архитектура асосида ишлаб чиқилган дастурий воситалар ахборот хавфсизлиги кўрсаткич ва мезонларини марказлашган ҳолда шакллантирилиши экспертлар танқислиги масаласини ечишда самарали натижалар беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.T.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ХАЛМУРАТОВ ОМОНБОЙ УТАМУРАТОВИЧ

МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ ФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ПОКАЗАТЕЛЕЙ И КРИТЕРИЕВ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

05.01.05 – Методы и системы защиты информации. Информационная безопасность.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/T55.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Ганиев Салим Каримович** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Каримов Маджит Маликович** доктор технических наук, профессор
	Курязов Давлатёр Матякубович кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «____» _____2019 года в ____часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентский университет информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № ___). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(протокол рассылки №__ от «_____» _____ 2019 года.)

Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Р.Ж. Алоев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире стремительное развитие массового производства и эксплуатации информационных технологий привело к увеличению числа угроз безопасности, в частности, «согласно статистическим данным компании McAfee, в 2017 году количества общего ущерба по всему миру от киберпреступности увеличился на 35 % чем в 2014 году»[1]. В связи с этим большое внимание уделяется разработке инструментов для оценки безопасности информационных систем и повышения их эффективности. В этом направлении в развитых странах, таких как США, Российская Федерация, Канада, Франция и других странах разработка информационных технологий требуемого уровня и создания критериев, позволяющих оценить информационную безопасность, имеет важную роль.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на разработки методов оценки безопасности информационной системы на основе формирования показателей и критериев информационной безопасности. В частности, при оценке информационной безопасности важными задачами являются выбор профиля безопасности, учитывая компонентов информационной системы, свойств обменных данных, разработка методов контроля информационной безопасности, учитывая приоритетности компонентов информационной системы и критериев безопасности. Вместе с этими необходимо научно обосновать усовершенствование процессов управления информационной безопасности организации на основе оценки информационной безопасности.

В республике наряду с развитием информационных технологий в органах государственного и хозяйственного управления реализуются комплексные меры напраленные на защиту от угроз и внедрению методов и средств их оценки. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы поставлены задачи, в частности, «…совершенствование системы обеспечения информационной безопасности и защиты информации, своевременное и адекватное противодействие угрозам в информационной сфере, …внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления»[2]. Реализация поставленных задач, в том числе оценка информационной безопасности организаций и разработка моделей, методов и алгоритмов совершенствование системы ее показателей и критериев является одним из важных задачей.

Диссертационное исследование в определенной мере послужит выполнению задач, поставленных в следующих документах: Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по

[1] http://www.tadviser.ru/index.php/Статья:Потери_организаций_от_киберпреступности

[2] Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5379 «О мерах по совершенствованию системы государственной безопасности Республики Узбекистан» от 14 марта 2018 года, Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» от 19 февраля 2018 года, Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-4024 «О мерах по совершенствованию системы контроля за внедрением информационных технологий и коммуникаций, организации их защиты» от 21 ноября 2018 года и другие нормативно-правовые документы, относяшиеся к ссответствующей сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выпольнено в рамках приоритетного направления IV. «Информатизация и развитие информационно - коммуникационных технологий» развиятия республиканской науки и технологии.

Степень изученности проблемы. Ученые различных организаций многих стран провели исследования по разработке показателей и критериев информационной безопасности, среди которых Варфоломеев А.А., Домарев В.В., Калужский М.Л., Ажмухамедов И.М., Берестнева О.Г., Самохвалов Ю.Я., Герасимов Б.М., Павлов А.Н., В.Ф. Шаньгин, Д.П. Зегжда проводящие в нынешнее время научно-исследовательскую работу.

В Узбекистане под руководством Бекмуратова Т.Ф., Арипова М.М., Ғаниева С.К., Каримова М.М., Хамдамова Р.Х., Мухаммадиевой Д.Т. научными коллективами изучены процессы формирования базы знаний на основе экспертных заключений, формирования показателей и критериев информационной безопасности, методы оценки защищенности информационной системы.

В настоящее время задача формирования показателей и критериев оценки информационной безопасности на основе централизованных экспертных заключений и формирование методов оценки на основе приоритетности критериев информационной безопасности, а также специфики компонентов иформационной системы организации недостаточно изучены.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научного проекта согласно плану научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий и Ургенчского филиала ТУИТ по темам №Ф4-019 «Исследование проблем формирования систем показателей и критериев информационной безопасности» (2012-2016) и № Ф636-16 «Разработка программного обеспечения оценки информационной безопасности информационно-коммуникационных систем» (2016).

Цель исследования – формирование системы показателей и критериев информационной безопасности и разработка методов и средств оценки информационной безопасности информационных систем.

Задачи исследованеия:

разработка частных и подсистемных концептуальных моделей процесса оценки информационной безопасности;

создание функциональных и информационных моделей системы показателей и критериев информационной безопасности;

разработка алгоритма формирования системы показателей и критериев информационной безопасности;

разработка метода оценки информационной системы на основе приоритетности безопасности компонентов информационной системы;

создание программного средства системы оценки информационной безопасности.

Объектом исследования является процесс оценки защищенности информационной системы.

Предметом исследования является формирование показателей и критериев информационной безопасности, а также методы и алгоритмы оценки информационной безопасности.

Методы исследования. В процессе исследования использовались методы анализа защищенности информации, неформальная логика и теория неформальных множеств, теория графов и объектно-ориентированное программирование.

